

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 371.035:378

ГАИПНАЗАРОВ РАХМАТУЛЛА РАХИМБАЕВИЧ

**МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА
УЙЎНЛИК (“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Нишонова Санобар

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори
Халилов Фахриддин Нуриддинович

педагогика фанлари номзоди
Жамолидинова Одина Расуловна

Етакчи ташкилот: Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази

Диссертация ҳимояси 2011 йил “___”_____ куни соат ____да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100138, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9 а квартал, 21-А уй, Тел.:(+99871) 275-77-95 Факс: (+99871) 275-97-95. E-mail: http://uzswlu.uz/uz_ik2.html

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Ахборот ресурслар маркази”да танишиш мумкин (Манзил: 100138, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9 а квартал, 21-А уй.)

Автореферат 2011 йил _____да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
педагогика фанлари номзоди, доцент

К.Набиева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Муаммонинг долзарблиги. XXI аср – янги минг йилликнинг бошланиши ёшлар тарбиясига катта масъулият билан қарашни тақозо этмоқда. Ёшларнинг ҳозирги шароитда фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлаётганлиги, жамиятда тинчлик ва тотувликнинг барқарорлиги уларнинг ўз билимларини янада бойитиш, бутун куч-қудратини эзгу ишларга сафарбар этишга имконият яратмоқда. Шунга кўра, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ёшларнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Чунки ҳар бир давлатнинг тақдири, албатта ёшларнинг қандай камол топганлигига боғлиқ. Ёшларнинг эл-юрт тақдири учун курашиши, илмий салоҳияти, меҳнат фаолияти, кенг дунёқарашининг шаклланишида таълим-тарбиянинг ўрни бениҳоя каттадир.

Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасаларида таълим ва тарбияни уйғунликда амалга ошириш, ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маданий савиясини замон талаби даражасига кўтариш, ёшлар истеъдодини юзага чиқаришни тақозо этади. Чунки, ҳозирги даврда жамият янгиланмоқда. Ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар жамиятда яшовчи ҳар бир ёшнинг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда барча имкониятларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда, шу жамиятда яшовчи шахсни тарбиялаш йўллари излаб топишга йўллайди. Бугунги кунда таълим мақсади ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар шароитида мустақил ҳолда ўзига тўғри йўл топа оладиган эркин, ижодкор шахсни – баркамол ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

Ҳозирги даврда жаҳонда юз бераётган муаммолар: ОИТС офати, диний экстремизм ва дунё бўйича юз бераётган экологик таназзул, гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммолар, урушлар ва можаролар ёшлар тарбиясида салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бундай иллатларнинг олдини олиш учун ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш катта аҳамият касб этади.

Маънавий тарбиянинг муҳим омиллари ҳақида фикр юритар экан, И.А.Каримов: “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлардан айрим ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”, – дейди.¹

Ҳақиқатан ҳам ёшлар тарбиясини миллий қадриятлар билан уйғун ҳолда олиб бориш – тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Уйғунлик – бу маънавий-ахлоқий қадриятларнинг, тарбиянинг мақбул шакл, метод ва воситалари, усуллари билан ўзаро бир-бирига боғлиқлигидир.

Таълим-тарбия олдида қўйилган муҳим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 29-30.

инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этишдан иборат. Шу асосда унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни назарда тутди. Маънавий-ахлоқий кадриятлар инсонларнинг талаб ва эhtiёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу-истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олий таълим муассасаларида ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий кадриятлар билан уйғунлаштириш муаммоси долзарблик касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахснинг маънавий-ахлоқий тарбияси ҳамма вақт халқ педагогикаси ва буюк мутафаккирларнинг диққат-марказида бўлган.

Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ҳамда Ҳусайн Воиз Кошифий, шунингдек, ўтган асрнинг бошида яшаб ижод этган Абдулла Авлоний ва бошқалар баркамол шахс тарбияси ҳақида муҳим таълимий-ахлоқий асарлар яратганлар.

Мустақиллик йилларида шахс тарбияси ва кадриятлар фалсафаси қатор файласуфларнинг диққат-марказида бўлди. Ж.Туленов, Э.Юсупов, С.Шермухамедов, М.Имомназаров, А.Бегматов, Қ.Назаров, Т.Маҳмудов, З.Ғофуров, С.Отамуродов ва бошқалар инсон камолоти, миллий ва умуминсоний кадриятлар, маънавият, ахлоқий тарбия каби масалаларни ҳар томонлама тадқиқ этдилар.

Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва бу борада миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг ўрни, ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш, комил инсон тарбияси муаммолари О.Мусурмонова, С.Нишонава, У.Маҳкамов, М.Қуроноф, Н.Ортиқов, З.Исмоилова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилди.

Қ.Қуронбоев талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари, Б.Мирзаолимов ёшлар онгида миллий ғояни шакллантириш муаммоларини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида тадқиқ этганлар.

Лекин фалсафий, илмий-педагогик, психологик илмий тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, маънавий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик муаммоси ҳанузгача тадқиқ этилмаган. Шунга кўра биз тадқиқот ишимиз учун «Маънавий–ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик («Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида)» мавзусини танладик.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Умумий педагогика” кафедрасида олиб борилаётган “Касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантириш” номли муаммо таркибида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: олий педагогик таълим муассасалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарбиявий ишлар мазмунини маънавий-ахлоқий кадриятлар билан уйғунлаштиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишга доир илмий-методик тавсияларни яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш;
- маънавий-ахлоқий кадриятлар ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини илмий-назарий асослаш;
- “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар тарбиясидаги ўрнини белгилаш;
- ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш;
- ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятлар уйғунлигининг андозасини яратиш;
- маънавий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Олий таълим муассасаларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятлар уйғунлигини амалга ошириш жараёни.

Тадқиқот предмети: Олий таълим муассасаларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг тарбия ва маънавий-ахлоқий кадриятларни уйғунлаштириш мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқот методлари: мавзуга доир фалсафий, ижтимоий, сиёсий, ҳукукий, педагогик ва психологик адабиётларни ўрганиш; илмий-назарий таҳлил, педагогик кузатув; ижтимоий сўров (анкета, тест, суҳбат, интервью ва ҳ.к.); моделлаштириш; тажриба-синов; математик-статистика; натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Шарқ ва Ғарб файласуфларининг маънавий-ахлоқий кадриятлар ва комил инсон тарбиясига доир фалсафий-маънавий, маърифий қарашлари; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқ ва рисолаларида ёш авлод таълим-тарбияси, таълимда миллий ва умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш, баркамол шахс тарбияси тўғрисидаги фикрлари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, ушбу муаммога доир меъёрий ҳужжатлар ҳамда илмий-назарий тадқиқотларда ўз ифодасини топган педагогик қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар:

- маънавий-ахлоқий кадриятлар мазмун-моҳияти ёшлар тарбияси билан уйғунлаштирилса;
- ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятларни уйғунлаштириш имкониятлари илмий жиҳатдан ўрганиб чиқилса;

– ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятларни уйғунлаштиришнинг мазмуни, самарали шакл ва методлари аниқланса ҳамда унинг яхлит тизими яратилса;

– ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятларни уйғунлаштиришнинг модели (андозаси) ишлаб чиқилса;

– олий таълим муассасалари билан республикада фаолият кўрсатаётган марказлар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг ўзаро ҳамкорлиги таъминланса, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик самарали амалга ошиши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг илмий-назарий асослари.

2. Ёшлар тарбияси ва маънавий-ахлоқий қадриятларни уйғунлаштиришнинг мазмуни, шакл ва методлари.

3. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликни белгиловчи мезонлар ва унинг андозаси.

4. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлигини аниқлашга доир тажриба-синов ишлари.

5. Ёшлар тарбияси ва маънавий-ахлоқий тарбияда уйғунлик самарадорлигига хизмат қилувчи илмий-методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди.

2. Ёшлар тарбияси ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг уйғунлиги технологияси ишлаб чиқилди.

3. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг мезонлари ва андозаси яратилди.

4. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлигини оширишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида илгари сурилган назарий фикрлар “Педагогика”, “Педагогик маҳорат”, “Маънавият асослари” фанларини мазмунан бойитади, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарбиявий ишлар самарадорлигини фаоллаштиради, олий таълим муассасалари талабалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширади.

Тадқиқотда илгари сурилган илмий-методик тавсиялар эса узлуксиз таълим тизимида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликка доир методик манба сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, педагогиканинг туркум фанлари, маънавият соҳасида дастур, дарслик, методик қўлланмалар яратишда, узлуксиз таълим тизимида маънавий-ахлоқий ишларни ташкил этишда, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги. Тадқиқ этилаётган муаммонинг илмий-методик ёндашув асосида назарий ҳамда амалий жиҳатдан ёритилганлиги, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари ва илмий фаразига мувофиқ методлар мажмуидан фойдаланилганлиги, тажриба-синов ишларининг натижалари олий педагогик таълим муассасалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарбиявий ишлар мазмунини маънавий-ахлоқий кадриятлар билан уйғунлаштиришга ижобий таъсир этганлигида ўз ифодасини топган.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Тадқиқот натижалари олий педагогик таълим муассасаларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларида миллий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик муаммосига доир назарий фикрлар, амалий тавсиялар махсус методика асосида синовдан ўтказилди. Тажриба-синов ишлари Олий ҳарбий божхона институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззих давлат педагогика институти ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотида синовдан ўтди. Тадқиқот ишининг тавсиялари мазкур таълим муассасалари фаолиятида кенг қўлланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Тадқиқот иши 2009 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Умумий педагогика” кафедрасининг кенгайтирилган мажлиси (10.06. 2009 йил)да ҳамда ЎзДЖТУ хузуридаги К.067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар (27.06.2011йил)да муҳокама қилинган. Тадқиқотчи ўз чиқишлари билан Ўзбекистон Миллий университети, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган республика илмий-амалий конференциялар (Тошкент, 2008, 2009) Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган анжуман ва семинарларда (2008-2010 йиллар) қатнашган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши материаллари асосида “Таълимий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик” мавзусидаги методик қўлланма ҳамда “Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Педагогик таълим”, “Таълим муаммолари” ва “Фалсафа ва ҳуқуқ” илмий-методик журналларида 10 номдаги илмий-методик мақолалар chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 7 банд, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, жами 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, илмий фарази, методологик асослари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти, ишнинг синовдан ўтганлиги, тадқиқот натижаларининг ҳаётга жорий этилиши, натижаларининг эълон қилинганлиги ёритилган.

Диссертациянинг **“Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги”** деб номланган биринчи бобида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Халқимиз мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди. Уларнинг миллий онги, миллий ғурури, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Булар эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имкон яратмоқда.

Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят бой, бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш - давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шундай экан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини мамлакатимизнинг келажаги, эртанги кундаги фаровон ҳаёти, умуман олганда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши учун биринчи навбатда ёшларнинг тарбиясига қаратмоқ зарурияти долзарб бўлиб қолди. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг янги жамият куриш йўлидаги барча эришган ва эришаётган ютуқларига тўғанок бўлиб, ёшларни турли усуллар билан тўғри йўлдан чалғитишга ҳаракат қиладиган зарарли мафкуралар, турли оқимлар иш кўрмоқда.

Ёшларни бу ғаразли йўللардан қайтариш, улар ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлмаслиги жамият маънавиятини юксалтириш, ёшларнинг илм-фанга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига қизиқишларини ошириш, ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилиш, тарбия соҳасида халқимизнинг анъаналари, урф-одатлари, тили, дини, руҳиятига, миллий ва умуминсоний қадриятларига таяниб, тарбиянинг самарали усулларида фойдаланиш муҳимдир. Бу борада ҳаракатнинг маънавий-ахлоқий тарбия йўналишидаги ишларни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Тарбиянинг бошқа турлари каби маънавий-ахлоқий тарбия асосини ҳам миллий, ҳам маънавий-ахлоқий қадриятлар ташкил этади.

Қадриятлар катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга экан, улар ўтмиш билан ҳозирги кунни боғлаб туради. Шу туфайли унда миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади.

Шунга кўра, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбияси ва унга қўйиладиган талаблар жамиятда маълум ижтимоий-ахлоқий талабларга мос ахлоқий хислатларни

шакллантириш мақсадида ёшлар онги, ҳиссиётлари ҳамда хулқига мувофиқ ва тизимли таъсир этишни талаб этади.

Маънавий-ахлоқий тарбия мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш масаласининг кун тартибига қўйилиши заруриятининг юзага келганлиги муносабати билан тарбия соҳасига янгича ёндашувларни ҳам талаб этмоқда.

Тарбия-инсоннинг инсонийлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Зеро, одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайли бир авлоддан бошқасига ўтади. Демак, қадриятлар, маънавият, тарбия, ахлоқ инсон камолотида муҳим ўрин тутар экан, ёш авлодни қадриятлар асосида ахлоқий баркамол, ўзининг энг яхши фазилатлар билан бошқаларга ибрат бўладиган инсон қилиб тарбиялаш таълим муассасалари билан бирга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг ҳам муҳим вазифасидир.

Бу борада маънавий-ахлоқий қадриятлар билан тарбиянинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва тарбия уйғунлиги комил инсон шахсини шакллантиришда етакчи омил саналади.

Барча даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ва малакаси, хатти-ҳаракати йўналишини, тарих тажрибаси, давр талаблари ва эҳтиёжлари, вазифалари билан уйғунлаштириб ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Тарих тажрибаси, буюк мутафаккирларнинг мероси миллий педагогика анъаналарининг шаклланиши ва ривожланишида асосий манба бўлган.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш масаласига эътибор тобора кучайтирилмоқда.

Шу маънода ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Яна бир муҳим масала ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларга доир билимга эга бўлишни ўргатишдир. Унинг муҳим жиҳати бу инсон омили масаласидир. Мазкур омил ахлоқий ва ақлий камолот муаммосидир. Ана шу омил ватан, миллат манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, инсонда фидоийлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиради.

Ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашни яна бир муҳим жиҳати – бу уларни доимо меҳнат қилишга, ишбилармонлик, тadbиркорлик, хусусий мулкчилик хислатларини ўрганишга ундайди, адолатлилик, эътиқодлилиқни шакллантиради.

Лекин бу муҳим вазифаларни амалга оширишда маълум салбий иллатлар ҳам юз бермоқда. Бунинг асосий сабаби таълим муассасаларида тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлардан самарали фойдалана олмаслиқдир. Бу борада фан-техника ютуқлари, илғор технологияларни ёшларга ўргатиб, қадриятлардан замонавий технологиялар билан уйғун ҳолда

фойдаланиш, миллий ва умуминсоний кадриятларни таълим тизимига киритиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, тарбиянинг миллий ўзига хос жиҳатлари бирлашиб, ўзаро бойиб бориши – тараққиёт қонунидир. Чунки ҳар бир миллатда унинг аجدодлари томонидан яратилган миллий тарбия ўз ўрнини топади, унинг вакиллари онгида мустаҳкамланади. Демак, ҳар бир миллат ўзига хос ахлоқ, одоб ва тарбия воситаларига эга.

Миллат ва миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гап борганда таъкидлаш лозимки, миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ энг асосий кадрияти унинг генофонидир.

Файласуф олим Қ.Назаровнинг фикрига кўра, «Генофонд – фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, хусусиятлар, ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин мамлакатда ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлардан баҳраманд этиш, ўзбекларнинг тарбия соҳасида тарихан таркиб топган ўзига хос хусусиятларини таълим-тарбияда кенг тарғиб қилиш, бу борада бой миллий кадриятлардан унумли ва ўринли фойдаланишга катта эътибор қаратила бошланди.

Халқимизнинг миллий тарбиясидаги ахлоқий жиҳатларга асос бўлган маънавий омиллар кўп ва хилма-хил бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: инсон жамиятда яшаб туриб, ўз-ўзини англаши ва жамоатчилик билан муносабатда ахлоқ, одоб меъёрларини билиши, жамоатчилик ичида ўзини тута билиши, оилада ҳурмат ва ўзаро оқилона муносабатларни таркиб топтириш, фарзандлик бурчини бажариши, ҳалоллик, адолатпарварлик, иймонлилик, инсофлилик мезонларига амал қилиши, Ватанни севиш, бу муҳаббатни сўзда эмас, ўзининг аниқ фаолияти билан намоён этишидир. Булар, албатта, умумий тушунчалар бўлиб, уларнинг ҳар бири яна бир қанча тушунчаларни ҳам ўз ичига камраб олиши мумкин.

Шунингдек, миллий тарбияда ҳар бир инсоннинг жамоат ичида ўзини тутиши, кўпчилик олдида ҳар бир сўзни ўйлаб гапириши, кам гапириб, кўп тинглаши, эл ичида обрў топишнинг қийинлиги, обрўни тўкиш осонлигини англаб етиши, бировга ноўрин маломат қилмаслик, дўст танлашда адашмаслик, доимо яхшиларга ёндашиб юриш, ёмонлардан узоқда бўлиш, ўзи сув ичадиган қудуққа туфламаслик, урушганларни яраштириб қўйиш ва ҳоказолар; ҳалоллик, инсофлилик борасида меҳнатсевар, адолатли, кишиларга тўғри ва ёқимли муносабатда бўлиш, муҳтож кишиларга кўмагини аямаслик, барчага меҳр-оқибатли бўлиш, бахил бўлмаслик, таъмагирлик қилмаслик, кўнгилда кек ва ғараз сақламаслик, ифво, дангасалик, чақимчилик, ғирромлик, ўғирликдан узоқда бўлиш каби юксак ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантириш ўзига хос жиҳатларимизни белгилайдиган мезонлардир.

Бундан ташқари, талабаларда муҳим кадриятларимиздан саналган табиатга, ундаги наботот ва ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш, табиатга ғорат келтирувчиларга мурасасиз бўлиш,

турар жойларини покиза ва озода сақлаш каби фазилатларни тарбиялаш ҳам миллий тарбиямизнинг ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умуминсоний қадриятлардан ўринли ва унумли фойдаланиш, ёшларимизнинг дунёқарабини ўстириш, инсоний фазилатларни изчил шакллантириб бориш жамиятимизнинг, аввало педагог-олимлар билан бир қаторда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам асосий вазифасидир.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Маънавий-ахлоқий қадриятларни ёшлар тарбияси билан уйғунлаштириш шарт-шароитлари”** деб номланиб, унда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни, маънавий-ахлоқий қадриятларни уйғунлаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотларга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралар экан, бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини ана шу муҳим соҳага йўналтиришни тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати II-Курултойида ҳаракатнинг янги таҳрирдаги Дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мақсад ва вазифалари белгилаб қўйилди. Унда мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, етук, дунёқараши теран, мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқароларни вояга етказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлаш, халқимизнинг обрўси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шухратини оширишга хизмат қиладиган узоқ муддатли, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан, ҳаракатни чин маънодаги ёшларнинг суянчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир, – деб алоҳида таъкидланади. Юқоридаги мақсад асосида ҳаракат ўз олдига қуйидаги олти йўналиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб олди:

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавий-маърифий соҳа йўналиши, ижтимоий-иқтисодий, ёшларнинг маънавий баркамол, истеъдодли, иқтидорли қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбия, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқаро фаолият соҳаларида ҳам муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастурига асосланиб, андозасини қуйидагича белгиладик:



1-расм. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик андозаси.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолиятида маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳуқуқий тарғибот, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш бўйича 15,5 мингдан ортиқ бошланғич

ташкilotларида иш олиб бормоқда. Мазкур ташкilotларда, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада дастлаб тажриба-синов майдонлари этиб белгиланган олий таълим муассасаларида ишлар мазмуни белгилаб олинди ва уларни амалга оширишда энг самарали шакл, метод ва воситалардан фойдаланилди.

Талаба-ёшларга таълим-тарбия бериш шахс камолотини шакллантиришда муҳим саналар экан, бу борада маънавий-ахлоқий кадриятлар уйғунлиги самарали натижалар бериши аниқ. Лекин бу самарадорликка таълим-тарбиянинг турли шакл, метод ва воситаларини қўллаш орқали эришилади. Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Олий ҳарбий божхона институти ва Жиззах давлат педагогика институтларида “Педагогика”, “Педагогика тарихи”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Маънавият асослари” ўқув фанларини ўрганиш жараёнида, аудиториядан ташқари тарбиявий ишларда, “Маънавият кунлари” жараёнида амалга оширилди. Машғулотлар асосан семинарлар, амалий машғулотлар, маърузалар, мутахассис суҳбати, муаммога доир талабалар фикрларини уйғотиш, ёзма ишлар, тестлар ўтказиш, ролли ўйинлар ташкил этиш, овозли экран воситаларидан фойдаланиш, мунозаралар, давра суҳбати, мутахассислар билан учрашувлар тарзида ташкил этилди. Янги нашр этилган китоблар бўйича мулоқот, газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар муҳокамаси билан бир қаторда турли воситалардан ҳам фойдаланилди: овозли экран воситалари, видеофильм ва телекурслар, тасвирий санъат асарлари, музей материаллари шулар жумласидандир. Масалан, “Туташ тақдирлар” видеофильми муҳокамаси талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Мустақил ишлар эса талабаларни фаоллаштиришда, назарий билимларни амалиётда қўллашга кўникма ҳосил қилди. Айниқса, “Музейларда сақланаётган маънавий бойликлар – бизнинг бойлигимиз”, “Насл-насаб ва унинг моҳияти”, “Бизнинг муаммоларимиз: улар қандай ҳал этилади?”, “Табиат ва инсон муносабати”, “Бизни оилага ким тайёрлайди?”, “Қизлар шаъни ва йигит ғурури деганда нимани тушунаси?” мавзуларида ўтказилган мунозара, мусоҳаба, мутахассислар билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари самарали бўлди. Мазкур тадбирларга тайёрланишда маънавий-ахлоқий кадриятлардан фойдаланиш, уларни йиғиб тўплаш, китоб устида ишлаш ва бошқа шакл, метод ва воситалар асосида ҳаётдаги намуналарга таянилди. Зеро, таълим-тарбия жараёнида қўлланилган шакл, метод ва воситалар, маънавий-ахлоқий кадриятлар талабалар билимини бойитишга ва таълим-тарбияни уйғун ҳолда ташкил этишга ёрдам берди.

Бу эса қуйидаги ҳолатларда намоён бўлди:

1. Ёшларга Ватанга муҳаббат, адолатлилик, инсонпарварлик, инсонийлик, тўғрилиқ, камтарлик, ота-онага ҳурмат, меҳр-мурувват, саховат, бағрикенглик каби ахлоқий фазилатларни кадрият сифатида узлуксиз сингдириб бориш.

2. Ҳозирги шароитда маҳалланинг ўз-ўзини бошқариш имкониятларидан – касб-ҳунар ўрганиш анъаналари, ҳашар, жамоат

тартибини сақлаш ва бошқа кадриятлардан – маҳалладаги тўй-ҳашамлар, маъракалар, оила муаммоларини маҳалла оқсоқоллари ва кайвони бувилярнинг маслаҳатларидан фойдаланиб ҳал этиш.

3. Катта ёшлилар, устоз-мураббийларга ҳурмат-эҳтиром, ғамхўрлик каби юксак маънавий-ахлоқий кадриятларни янада ривожлантириш.

4. Меҳнат анъаналарини ҳозирги даврга мос ҳолда ривожлантириш орқали меҳнат тарбияси ва ҳунар ўргатишда авлодлар анъанасини давом эттириш.

5. Ўзбек халқининг меҳмондўстлик анъаналарини ҳозирги кунда дипломатик алоқалар, бағрикенглик, ҳамжихатлик, дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик тамойиллари даражасига кўтариш.

6. Ҳозирги кунда талаба-ёшларга ҳаёт ва турмуш эстетикасини авайлаб-асраш орқали халқ амалий санъати, мусиқаси ҳамда халқимизнинг миллий меъморчилик ва бошқа санъат намуналари билан уйғун ривожлантириш.

7. Талаба-ёшларнинг табиат ва инсон муносабатларини англай олиш, уни муҳофаза этиш ва янада бойитиб боришда халқимизнинг азалий урф-одатларини ривожлантириб бориш.

8. Маънавий-ахлоқий кадриятларимиз – урф-одатлар ва анъаналаримизни ўрганиш ва замон руҳига мос равишда давом эттириш.

9. Халқ педагогикасида кадрланадиган энг муҳим хислатлардан саналган илм олиш ва ақлий тарбияда энг муҳим кадрият – китобхонлик анъаналарини ривожлантириш; бедилхонлик, фузулийхонлик, навоийхонлик ва дostonлар айтиш, шеърхонлик, баҳрубайт, мушоираларни давом эттириш.

Олий таълим муассасаларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти фаолияти хилма-хил бўлиб, бу борада тарбиянинг турли шакл ва методлари, воситаларини қўллаш унинг самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга олиб келишига муваффақ бўлди. Бу эса ўз навбатида тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида ўз исботини топди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятларни уйғунлаштиришда тажриба-синов ишлари самарадорлиги”** деб аталади. Мазкур бобда тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши ва натижалари, шунингдек, ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятлар уйғунлигининг самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Олий таълим муассасаларида ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий кадриятлар билан уйғунлаштириш муаммосини “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти жараёнида амалга ошириш мақсадида махсус илмий тадқиқот иши дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда тажриба-синов ишларини амалга ошириш тизими белгиланиб, уни ўтказиш методикаси ўз ифодасини топган. Мазкур методикага асосан тажриба-синов ишларини амалга ошириш босқичлари, таъкидловчи, шакллантирувчи ва умумлаштирувчи тажриба-синов ишлари ҳамда истиқболда унинг самарадорлигини ошириш йўллари ўз ифодасини топган.

Дастлабки таъкидловчи тажриба-синов ишларида респондентларнинг маънавий-ахлоқий кадриятларни қай даражада билиши ва улардан ўқув

жараёнида ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти фаолиятида тарбиявий тадбирларда фойдаланилиши ўрганилди.

Ижтимоий сўров методидан фойдаланилган ҳолда тажриба-синов учун танланган олий таълим муассасаларида талабаларга сўровномалар тарқатилди.

Саволномаларга олинган жавоблардан экспериментлар ўтказилган олий ўқув юртларида билим сифати умуман талабга жавоб берса ҳам, лекин талабаларнинг жавоблари талаб даражасидан анча пастлиги аён бўлди. Чунки талабаларга тавсия этилган саволномалар минимал даражага мувофиқ эди. Экспериментда иштирок этган 380 нафар талабадан 70 фоизи саволларга жавоб бера олиши тахмин қилинган ҳолда фақат 11,8 фоиз талаба саволларга тўғри жавоб берган.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг муаммо нуқтаи назаридан олиб борадиган фаолияти ҳақида эса, 12 фоизгина талаба тўғри тасаввурга эга.

Дастлабки тажриба-синов ишлари Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда тажриба-синов майдончалари этиб белгиланган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Олий ҳарбий божхона институти, Жиззах давлат педагогика институти бошланғич ташкилотлари фаолияти жараёнида ўрганилди.

Дастлабки тажриба-синов натижалари ўртача кўрсаткичдан анча пастлиги намоён бўлди. Буни тажриба ва назорат гуруҳлари кесимида қарасак, тажриба гуруҳларида 63 фоиздан 79,3 фоизгача ўсганлигини, назорат гуруҳларида эса 65,3 фоиздан 64,7 фоизгача камайганини ёки ўзгариш камлигини кўрамыз.

Шунга кўра, талаба-ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятларни уйғунлаштиришда асосий эътибор уларнинг мазмун-моҳиятини ёритувчи фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилди. Бунда асосий эътибор “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган “Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик” мавзусидаги услубий қўлланма мазмунида тавсия этилган андоза ва услубий тавсиялар асосида ташкил этилишига қаратилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида “Алишер Навоий шеърляти – маънавиятимиз гултожи, “Ёшлар камолотида маънавий мероснинг аҳамияти”, “Диний оқимлар ва миссионерликнинг олдини олиш”, “Маънавият ва миллий либосларимиз”, “Ёшларда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик”, “Инсон қадри азиз, ўтганлар хотираси муқаддас”, “Хотиранг мангу, қадриг баланд, улуғлаймиз”, “Тошкент – шарқ дурдонаси” “Ёшлар ва миллий-диний қадриятларга муносабат”, “Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш” “Наврўз – умумхалқ байрами” каби тадбирлар илмий-амалий конференция ва семинар кенгашлар, давра суҳбатлари, акциялар, семинар-тренинглар, турли соҳа мутахассислари билан учрашувлар, сайр-саёҳатлар уюштирилди.

Бу борада биз қуйидаги мезонларга асосландик:

1. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати режалари мазмунида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрин олганлиги.

2. Маънавий-ахлоқий кадриятларнинг тарбиявий тадбирлар мазмунида ўз ифодасини топганлиги.

3. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маънавий-ахлоқий кадриятларга доир тадбирлар ташкил этишда таълим муассасаларининг бошқа муассасалар билан алоқадорлиги.

4. Маънавий-ахлоқий кадриятларни ёшлар тарбияси билан уйғунлаштиришда қулай шакл, метод ва усулларнинг қўлланилиши.

5. Маънавий-ахлоқий кадриятларни ёшлар тарбиясида уйғунлаштиришда илғор технологиялардан фойдаланилиши.

6. Маънавий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясининг уйғунлигига доир тарбия натижаларининг мониторинги.

Ушбу мезонлар асосида тестлар, сўровномаларнинг ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг уйғунлиги қай даражада эканлиги аниқланди. Буларнинг натижалари 1-жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвал

Тажриба якунида талабаларнинг маънавий-ахлоқий кадриятларни ёшлар тарбиясида уйғунлигини билиш даражаси

№	Мезонлар	Назорат гуруҳи (188 талаба)			Тажриба гуруҳи (192 талаба)		
		Самарадорлик даражаси					
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1.	“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ўрнини тўғри англаб етганлиги	55	63	70	96	68	28
2.	Маънавий-ахлоқий кадриятларнинг мазмун-моҳиятини билиши	59	61	68	103	62	27
3.	Миллий ва умумбашарий кадриятларнинг фарқи ва ўзаро алоқасини тушуниши	52	61	75	99	65	28
4.	Маънавий-ахлоқий кадриятларнинг тарбиядаги ўрнини билиши	53	64	71	106	60	26
5.	Тарбия ва маънавий-ахлоқий кадриятларнинг уйғунлиги ҳақида билим ва тушунчага эгалиги	45	60	83	101	67	24
6.	Жамият тараққиётида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг аҳамиятини тушуниши	49	64	75	94	65	33
7.	“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида маънавий-ахлоқий кадриятлар ва тарбиянинг уйғунлигини англаб етиши	51	63	74	100	69	23
Жами:		364	436	516	699	456	189
Ўртачаси:		52	62	74	100	65	27



Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда таълимий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлик даражасига доир тажриба-синов ишлари натижаларини аниқлаш бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлар статистик таҳлил қилинди.

2-жадвал

Таълимий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлик даражасига доир тажриба-синов натижалари

	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба аввалида				
Тажриба гуруҳи	192	57	69	66
Назорат гуруҳи	188	59	61	68
Тажриба якунида				
Тажриба гуруҳи	192	100	65	27
Назорат гуруҳи	188	52	62	74

Бу танланмаларга мос келган диаграммаларни чизамиз:



Тажриба аввалида

Тажриба якунида

2-расм. Таълимий-ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлик даражаси

Юқоридаги натижаларга асосланиб, Студент мезони асосида математик статистик таҳлил қилиниб, топилган натижалардан танланма дисперсия, ўртача квадратик четланиш ва вариация кўрсаткичлари топилади.

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	S_x^2	S_y^2	V_x	V_y	Δ_m	Δ_k
2,38	1,89	0,5156	0,6579	30,3	42,9	0,09	0,09

Натижалардан тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

$$2,38 - 0,09 \leq a_x \leq 2,38 + 0,09$$

$$2,29 \leq a_x \leq 2,47$$

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$1,89 - 0,09 \leq a_y \leq 1,89 + 0,09$$

$$1,80 \leq a_y \leq 1,98$$

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра, ўтказилган тажрибанинг ҳаққонийлиги келиб чиқди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари аниқланди. Бунда $\bar{X}=2,38$; $\bar{Y}=1,89$; $\Delta_m=0,09$; $\Delta_n=0,09$ га тенг ва сифат кўрсаткичларининг:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{2,38 - 0,09}{1,89 + 0,09} = \frac{2,29}{1,98} = 1,16 > 1;$$

$$K_{\text{доб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (2,38 - 0,09) - (1,89 - 0,09) = 2,29 - 1,80 = 0,49 > 0;$$

га тенглиги аниқланди.

Олинган натижалардан, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, таълимий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлик даражасига доир назорат натижаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги маълум бўлди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ҳозирги даврда жаҳонда юз бераётган муаммолар ёшлар тарбиясида баъзан салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бундай иллатларнинг олдини олиш учун ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғун ҳолда олиб бориш зарурияти долзарб бўлиб турибди.

2. Жамият тараққиёти шароитида тарбия натижаси ва самарадорлиги унинг инсон томонидан маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳамда ижтимоий тажрибаси қай даражада ўзлаштирилаётгани билангина эмас, балки жамият аъзоларининг авлодлар тажрибасидан фойдаланишда онгли фаоллик ва мустақил ижодий фаолиятга тайёрлиги билан белгиланади. Тарбиянинг муҳим натижаси – инсоннинг ўзи уни ўзгартиришга тайёрлиги ва қодирлигидир.

3. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва тарбиянинг уйғунлиги педагогик жараённинг марказий муаммосидир. Бу борада миллий-маънавий мерос, ахлоқ мезонларини инсонпарварлик ғояларига таянган ҳолда унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги, дунёвийлиги тамойиллари асосида инсонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасавури, тафаккури, орзу истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган бўлиб, тарбиянинг асосий негизи саналади.

4. Маънавий-ахлоқий қадриятларни ёшлар тарбиясида уйғунлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, булар ҳар бир ёш жамиятда яшар экан, ўз-ўзини англаши ва жамиятда ахлоқ меъёрларига риоя этиши, жамоатчилик ўртасида ўзини тута билиши, оилада ҳурмат ва оқилона муносабатларни таркиб топтириши, фарзандлик бурчини бажариши, ҳалоллик, иймонлилик мезонларига амал қилиши, Ватанни севиш, буни ўз фаолиятида намоён этиши кабилардан иборатдир.

5. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолиятини ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятларни уйғунлаштиришда улар онгида миллий ғурурни шакллантириш, истиқлол ғояларига садоқат, Она-Ватанга меҳр-муҳаббат, эътиқод, жасурлик, фидоийлик туйғуларини сингдиришга йўналтирилади.

6. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати доирасида ташкил этиладиган ишлар хилма-хил бўлиб, уларнинг самарадорлигини ошириш учун тарбиянинг турли шакл, методлари ва воситаларидан фойдаланш мақсадга мувофиқ. Бу борада семинарлар, амалий машғулотлар, маърузалар, суҳбатлар, ролли ўйинлар, мунозара ва баҳслар, давра суҳбатлари, янги китоблар бўйича мулоқотлар, газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар муҳокамаси кабилар; овозли экран воситалари, видеофильм ва телекурслар, тасвирий санъат асарлари, музей материаллари ва бошқалар тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширади.

Тажриба-синов жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик тарбиявий ишларни маълум тизим асосида қулай шакл, метод ва воситаларни танлаш ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим муассасалари ва маданий-маърифий муассасалар фаолиятини узвий алоқада ташкил этиш самарали натижалар беради.

Мазкур хулосалар асосида қуйидаги тавсияларни тақдим этамиз:

ТАВСИЯЛАР

1. Ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғунлигининг самарадорлигини ошириш учун “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш.

2. Тарбиявий ишларни талаба-ёшларнинг қобилияти, интилишларини ҳисобга олган ҳолда уюштириш, тадбирларни уларнинг ақлий-ахлоқий қизиқишлари асосида ташкил этиш.

3. Маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ёшлар тарбиясини уйғунлаштиришда унинг ахлоқий билим, ахлоқий онг, ахлоқий ҳис-туйғу, ахлоқий эътиқод, ахлоқий кўникма ва малака узвийлигидаги фаолияти механизмини яратиш.

4. Ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғунлиги тарбиявий ишларнинг шакл, метод ва воситаларини такомиллаштиришда тарбиявий ишларни маълум тизимда ташкил этиш ва бу борада ўзаро бир-бирига боғлиқ тарбия мазмунини, шакл, метод ва усуллари, воситаларини яхлит бирликда амалга ошириш. Зеро, уйғунлик – бу маънавий-ахлоқий қадриятларни тарбиянинг мақбул шакл, метод, усул ва воситалари билан ўзаро бир-бири билан узвий ҳолда амалга оширишдан иборат.

5. Маънавий-ахлоқий қадриятларни ёшлар тарбиясида қуйидаги шаклларда уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ:

а) тарбиявий ишларнинг шакли фойдаланиладиган қадриятларнинг мазмунига мослиги;

б) илмий дунёқараш, ахлоқий эътиқод, фуқаролик бурчи ва маънавий юксакликни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида бир бутун яхлит шакллантириш;

в) тарбиявий ишлар таъсири мониторингини ишлаб чиқиш.

6. Ёшлар тарбияси ва маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғунлигини амалга оширишда таълим муассасалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият муассасалари фаолиятини ўзаро алоқада амалга ошириш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ғоибназаров Р. Таълим-тарбия ишларининг муштараклиги – маънавий-ахлоқий қадриятлар асоси. // Таълим муаммолари. – Тошкент, 2009. – №1. – Б. 57 – 59.

2. Гаипназаров Р. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2009. – № 5. – Б. 97–100.

3. Ғоибназаров Р. Ёшлар тарбиясида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни. // Халқ таълими. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 121–124.

4. Гаипназаров Р. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг маънавий асослари. // Педагогик таълим. – Тошкент, 2009. – № 6. – Б. 35–38.

5. Гаипназаров Р. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик. Методик қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 95 б.

6. Гаипназаров Р. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва тарбиянинг узвийлиги. // Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2009. – Б. 148–150.

7. Ғоибназаров Р. Ёшлар онгида миллий ва маънавий қадриятларни шакллантириш. // Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ёшларнинг ўрни мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: “Камолот” ЁИХ, 2008. – Б. 59 – 62.

8. Ғоибназаров Р. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва унинг ёшлар тарбиясида уйғунлиги. // Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт мавзусидаги республика ёш олимларнинг илмий-амалий конференция материаллари тўплам. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – 1-қисм. – Б. 230 – 232.

9. Ғоибназаров Р. Миллий қадриятлар оилада камол топади. // Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёш оилаларнинг ўрни мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: “Камолот” ЁИХ, 2008. – Б. 58 – 62.

10. Gaipnazarov.R Value for education of youth of Uzbekistan on the basis of national values. // The advanced science . – Хитой, 2011. – Махсус сон. – Б. 17-19.

11. Гаипназаров Р. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва тарбиянинг миллий ўзига хос жиҳатлари. // Фалсафа ва ҳуқук. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 91-92.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Гаипназаров Рахматулла Рахимбаевичнинг 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича **“Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик (‘‘Камолот’’ ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида)’’** мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: ‘‘Камолот’’ ёшлар ижтимоий ҳаракати, қадриятлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар, уйғунлик, комил инсон, урф-одат ва анъаналар, маънавий мерос, ватанпарварлик, мустақиллик.

Тадқиқот объекти: олий таълим муассасаларида ‘‘Камолот’’ ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғунлигини амалга ошириш жараёни.

Ишнинг мақсади: олий педагогик таълим муассасалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарбиявий ишлар мазмунини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишга доир илмий-методик тавсияларни яратиш.

Тадқиқот методлари: мавзуга доир фалсафий, ижтимоий, сиёсий, ҳукукий, педагогик ва психологик адабиётларни ўрганиш; илмий-назарий таҳлил, педагогик кузатув; ижтимоий сўров (анкета, тест, суҳбат, интервью ва ҳ.к.); моделлаштириш; тажриба-синов; математик-статистика; натижаларни умумлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик педагогик йўналишда тадқиқот объекти қилиб олинди. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди. Ёшлар тарбияси ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг уйғунлиги технологияси ишлаб чиқилди.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг мезонлари ва андозаси яратилди. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликнинг самарадорлигини оширишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида илгари сурилган назарий фикрлар ‘‘Педагогика’’, ‘‘Педагогик маҳорат’’, ‘‘Маънавият асослари’’ фанларини мазмунан бойитади, ‘‘Камолот’’ ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарбиявий ишлар самарадорлигини фаоллаштиради, олий таълим муассасалари талабалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширади.

Тадқиқотда илгари сурилган илмий-методик тавсиялар эса узлуксиз таълим тизимида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунликка доир методик манба сифатида хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий ғоялари ‘‘Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик’’ номли методик қўлланма, ‘‘Халқ таълими’’, ‘‘Узлуксиз таълим’’, ‘‘Таълим муаммолари’’, ‘‘Педагогик таълим’’, ‘‘Фалсафа ва ҳуқуқ’’, хорижий журналлар ҳамда ‘‘Камолот’’ ЁИХда ташкил этилган илмий анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган мақолалар воситасида оммалаштирилди.

Қўлланилиш соҳаси: тадқиқот материалларидан олий таълим тизими, ‘‘Камолот’’ ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Гаипназарова Рахматуллы Рахимбаевича на тему: «**Духовно-нравственные ценности и гармоничность в воспитании молодежи**» (на примере общественного движения молодежи «Камолот») на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – Теория и история педагогики:

Ключевые слова: общественное движение молодежи «Камолот», ценности, национальные и общечеловеческие ценности, духовно-нравственные ценности, гармония, совершенный человек, обычаи и традиции, духовное наследие, патриотизм, независимость.

Объект исследования: процесс гармонизации духовно-нравственных ценностей в воспитании молодежи первичными организациями общественного движения молодежи «Камолот» в высших учебных заведениях.

Цель исследования: разработка научно-педагогических основ гармонизации содержания воспитательной работы с духовно-нравственными ценностями в первичных организациях общественного движения молодежи «Камолот» высших педагогических учебных заведений, создание научно-методических рекомендаций по их внедрению.

Методы исследования: изучение литературы философского, социологического, политического, юридического (правового), педагогико-психологического содержания по теме исследования; научно-теоретический анализ, педагогическое наблюдение; социологический опрос (анкетирование, тесты, беседы, интервью); моделирование; эксперимент, математическая статистика; обобщение результатов.

Полученные результаты и их новизна: духовно-нравственные ценности и гармоничность в воспитании молодежи в педагогическом направлении выбрана как объект исследования. Проанализированы в научно-теоретическом аспекте духовно-нравственные ценности и гармоничное воспитание молодежи. Разработана технология гармонизации воспитания молодёжи с духовно-нравственными ценностями.

Определены критерии и основные направления гармонизации духовно-нравственных ценностей и воспитания молодежи. Разработаны научно-методические рекомендации по повышению эффективности воспитания молодежи в соответствии с духовно-нравственными ценностями.

Практическая значимость: теоретические идеи, выдвинутые в исследовательской работе, обогащают содержание таких учебных дисциплин, как «Педагогика», «Педагогическое мастерство», «Основы духовности», способствуют активизации и повышению эффективности воспитательной работы первичных организаций общественного движения молодежи «Камолот», проводимой среди студентов высших учебных заведений.

Научно-методические рекомендации, разработанные в ходе диссертационного исследования, служат в системе непрерывного образования в качестве методического источника по обеспечению гармонии в воспитании молодежи на основе духовно-нравственных ценностей.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования внедрены в практику путём публикации методического пособия «Духовно-нравственные ценности и гармоничность в воспитании молодежи», статей в научно-методических журналах “Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Таълим муаммолари”, “Педагогик таълим”, “Фалсафа ва ҳуқуқ”, в иностранных журналах, в сборниках статей научных конференций, организованных ОДМ «Камолот».

Область применения: материалы диссертационного исследования могут быть использованы в системе высшего образования и деятельности общественного движения молодежи «Камолот».

RESUME

thesis of Gaipnazarov Rahmatulla Rahimboyevich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in pedagogy on speciality 13.00.01. – the theory and history of pedagogics, subject: **“Spiritual-moral values and harmony in education of youth (on an example of Social movement of youth “Kamolot”)”**

Key words: social movement of youth “Kamolot”. Values, national and universal values, spiritual-moral values, harmony. The perfect man, customs and traditions, a spiritual heritage, patriotism, independence.

Subjects of research: the process of harmonization in spiritual - moral education of youth by the primary organizations of social movement of youth “Kamolot” in higher educational institutions .

Purpose of the work: working out scientific and pedagogical bases of harmonization of the contents of educational work by the spiritual - moral values by the primary organizations of social movement of youth “Kamolot” at the higher pedagogical educational institutions and working out scientific-methodical recommendations on their introduction to practice.

Methods of research: studying the literature of philosophical, sociological, political, legal (legal), and also the pedagogico-psychological contents, connected to a theme of dissertational research: the scientific-theoretical analysis, pedagogical experiments: social inquiry (questionnaire, tests, conversations. interview, etc.); modeling; experiment-tests: mathematical statistics; generalization of results.

The results obtained and their novelty: harmony of spiritual-moral values and education of youth in a pedagogical direction has been chosen as an object of dissertation . Spiritual-moral values and harmonious education of youth are subjected to the scientific-theoretical analysis. The technology of harmoniously developed generation and spiritual-moral values have been worked out.

Criteria and the basic directions of harmony of spiritual-moral values and education of youth are determined. The scientific-methodical recommendations on increasing of harmonious efficiency in education of youth by spiritual-moral values have been worked out.

Practical value: Advancing theoretical ideas in research work enrich the contents of such educational disciplines as “Pedagogics”, “Pedagogical skill”, “Bases of spirituality” which promote for activization and increasing of efficiency of educational work in the primary organizations of social movement of youth “Kamolot” holding among the students of higher educational institutions.

The scientific-methodical recommendations worked out during scientific investigations inculcate in the system of lifelearning education as a methodical source for supplying harmony in education of youth on the basis of spiritual-moral values.

Degree of embed and economic effectivity: Results of research were put into practice by writing methodic textbook “Spiritual-moral values and harmony in education of youth”, by contributing articles to scientific-methodical magazines, “Halq ta’limi”(Peoples education), “Uzluksiz ta’lim”(Lifelearning education), “Ta’lim muammolari” (Problems in education), “Pedagogik ta’lim” (Pedagogical education), “Falsafa va huquq” (Philosophy and rights), as well as in foreign magazines , in collection of articles organized by social movement of youth “Kamolot”

Field of application: materials of dissertation can be used in the system of higher education and in the activity of social movement of youth “Kamolot”.

Bosishga ruxsat etildi: 15.09.2011.
Qog‘oz bichimi 60x84 $\frac{1}{16}$ Hajmi 1,5 b.t.
Adadi 100 nusxa. Buyurtma №8.
“BAYOZ” MCHJ matbaa korxonasida chop etildi.
100100, Toshkent sh. Yusuf Xos Hojib ko‘chasi, 103-uy

